



БИЛИМЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Хасанхонова Нодира Исаметдиновна,

*Тошкент молия институти, “Иқтисодиёт” кафедраси доценти в.б.,
PhD. Тошкент, Ўзбекистон. xasanxonova@mail.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a27

Аннотация

Мақолада мамлакат инновацион ривожланиши шароитида билимлар иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Билимлар иқтисодиётини жорий этишда ҳар қандай мамлакатнинг шарт-шароитлари чизма ва уни таҳлили берилган, асосий муаммо АКТ хизматларини тўлиқ жорий этилмаганлиги, унинг экспорт даражаси паст эканлиги кўрсатиб ўтилган. Олинган илмий ва амалий натижалар асосида илмий хулосалар шакллантирилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: билимлар иқтисодиёти, жамият тараққиёти, глобаллашув, инновацион иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ноу-хау, нанотехнологиялар, АКТ.

Аннотация

В статье выделены специфические черты экономики знаний в контексте инновационного развития страны. Обозначены и проанализированы условия страны по внедрению экономики знаний, выделены такие проблемы как услуги ИКТ реализованы не в полной мере, а уровень их экспорта низок. На основе полученных научно-практических результатов сформированы научные выводы и разработаны рекомендации.

Ключевые слова: экономика знаний, социальное развитие, глобализация, инновационная экономика, производство, услуга, ноу-хау, нанотехнологии, ИКТ.

Abstract

The article highlights the specific features of the knowledge economy in the context of the country's innovative development. The conditions of the country for the introduction of the knowledge economy are identified and analyzed, such problems as ICT services are not fully implemented, and the level of their export is low. Based on the obtained scientific and practical results, scientific conclusions are formed and recommendations are developed.

Key words: knowledge economy, social development, globalization, innovation economy, production, service, know-how, nanotechnologies, ICT.

Кириш

Жаҳон миқёсида юз берган пандемия, дунёдаги чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятларга қарамасдан инсоният янги-янги инқилобий институционал ўзгаришлар амалга ошмоқда. Инсоният хизмат кўрсатиш соҳалари бўлган фан ва таълим, венчур инвестициялар, стартап лойиҳалар, инновацион технологиялар трансфери, маркетинг ва бошқалар аҳоли фаровонлигини ҳамда иқтисодий тараққиётни таъминлаб берувчи ягона йўли деб тан олишди. Жаҳон иқтисодиётида

жамият тараққиётининг янги, постиндустриал босқичи ва унга мос келадиган инновацион иқтисодиёт тури ахборот, юқори технологиялар, инновациялар, кашфиётлар ва билимлар тобора кўпроқ эътиборни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон жаҳон миқёсидаги жаҳон миқёсидаги кечаётган институционал ўзгаришларни англаган ҳолда “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегияси”ни қабул қилди. Унда “илмий-инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, мамлакатнинг инновацион салоҳиятини шакллантириш ва янада такомиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқишга қаратилган норматив-ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди ва тубдан янгиланди” [1]лиги сифатида эътироф этилган.

Ривожланишининг замонавий тенденциялари иқтисодий тараққиётнинг янги концепциясини шакллантиришга ундамоқда. Буларнинг барчасини ечими мамлакатларнинг инновацион иқтисодиётнинг юқори босқичи бўлган билимлар иқтисодиётига ўтишни қўллаб-қувватламоқда. Жаҳон иқтисодиётининг янги сифат ҳолатига ўтиши фундаментал назарий билимларнинг ролини, юқори технологияли ишлаб чиқаришларнинг ривожланиши, хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг ортиши, ахборот-коммуникация технологиялари таъсирининг кучайиши билан бевосита боғлиқдир. Улар қаторида уяли ва сунъий йўлдош алоқалари, рақамли телевидение ва радио, глобал интернет ва бошқалардир. Жисмоний меҳнат, механизация ва автоматлаштиришга асосланган "моддий" иқтисодиётдан инсон ролининг сезиларли ўсишини тавсифлайдиган "интеллектуал" иқтисодиётга ўтиш кечмоқда, унда ижтимоий капитал, инновациялар, ахборот, ижодий иш, фан ва таълим, корпоратив илмий-тадқиқот, дастурлаш, маркетинг ва реклама, дизайн, кўнгилочар индустрия ва бошқа номоддий активлар глобал тараққиётнинг асосига айланмоқда. Мазкур тизим саноат иқтисодиётининг барча соҳалари ва тармоқларини қамраб олган ҳолда, унинг кўлами, динамикаси ва ички мазмунини ўзгартирадиган таркибий силжишларни амалга оширди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда билимлар иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан нашр этилган кўплаб ишлар ижтимоий тараққиётнинг янги парадигмаси сифатида билимлар иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган иқтисодий-ижтимоий ғоялар мавжуд. Улар мазкур янги институционал даврни жамиятнинг юқори ривожланиш босқичи деб таърифлашган. Иқтисодиётни инновацион ривожланиши масалалари тадқиқоти бир қатор хорижлик олимларнинг, жумладан, Б.Лундвалл, Г.Менш, М.Портер, Р.Солоу, Э.Тоффлер, К.Фримен, Й.Шумпетер [2, 3, 4, 5, 6, 7] ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Билимлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг айрим амалий жиҳатлари МДХ мамлакатлари олимлари изланишларида тадқиқ этилган. Жумладан, инсон капитали муаммолари В.Т.Смирнов, И.В.Сошников, В.И.Романчин, И.В.Скоблякова[8], билимлар иқтисодиётининг замонавий шарт-шароитлари Б.З.Мильнер, Т.Е.Степанова, М.Е.Ченцова[9, 10], интеллектуал капитал, ахборот ва иерархик моделлар М.Ю.Шляхтин, Д.А.Ушанов, Э.И.Хайруллина ва А.С.Муртазин [11, 12, 13, 14] нинг илмий изланишларида ўрганилган.

Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётини ўрганишга оид ишлар янгилик бўлиб, асосан Н.Хасанхонова томонидан аниқ йўналтирилган ишни кўриш мумкин. Жумладан, “Билимлар иқтисодиёти - бу иқтисодиётда илмийтадқиқат ва фан ютуқлари, илмий-техник инқилоб, у таълим ва ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган тизим”[15] эканлиги кўрсатилган.

Билимлар иқтисодиёти инновация, фан, таълим, интеллектуал капитални ўзига жамлашини билган ҳолда айтишимиз мумкинки, инновацион ривожланишга оид ишлар бевосита мавзумиз доирасидан жой олиши мумкин. Шу сабабли З.Худойбердиев[16], Д.Шадиева[17], К.Х.Абдурахмонов, Л.С.Бабынина[18] каби олимларни ишларида интеллектуал капитални билимлар иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрнини ўрганиб ўтишган.

З.Худойбердиев интеллектуал капитал, яъни мамлакатда «юқори малакали кадрлар бозори»ни катта аҳамиятга эга эканлиги айтиб, истиқболда Ўзбекистон меҳнат бозори алоҳида талабга эга бўлган юқори малакали кадрларга йўналган бўлишидан ҳамда инсон капитали бозорининг ривожланиши ва такомиллашишидан далолат беришини[16, 32-б.] прогноз қилади.

Д.Шадиева бўлса “Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши – бу иқтисодий тараққиётнинг индустриал ривожланишдан кейин келадиган босқичи бўлиб, ушбу ривожланиш йўлига ўтишда давлат инновацион ривожланиш стратегиясини, унинг устувор йўналишлари, чора-тадбирлари ва дастакларини ишлаб чиқиши ва инновацион фаолиятнинг барча иштирокчиларини ягона мақсад атрофида бирлаштириши мақсадга мувофиқдир” [17, 23-б.]деб айтади. Бироқ, иқтисодчиларимиз томонидан инновацион ривожланиш доирасида бажарилган ишларда билимлар иқтисодиётининг стратегик аҳамияти, хусусиятидан келиб чиқиб берадиган ютуқлари баҳоланиб ўтилмаган.

Юқоридаги маълумоларга таяниб, Ўзбекистоннинг билимлар иқтисодиётини жорий этиш билан боғлиқ хусусиятларни тадқиқ этиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асоси билимлар иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилишда комплекс ёндашувни қўллаш ҳисобланади. Билимлар иқтисодиётини тадқиқ қилиш даражасини белгилашда илмий билишнинг фундаментал методологияси асосида шаклланган бўлиб, индукция ва дедукция, диалектик бирлик, назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги, таққослаш ва ўхшашлик усуллардан фойдаланилган. Таҳлил натижалари асосида Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари батафсил баҳоланган.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда жаҳон глобаллашуви ва технологиялашуви туфайли биринчидан, номоддий харажатлар улушини ошириш, шу жумладан рақобатчиларнинг ҳаракатларини кузатиш, ахборотни ҳамкорлар билан бўлишиш каби жараёнлар биринчи ўринга чиқиб олди. Иккинчидан, ахборот ресурслари, интеллектуал активлардан фойдаланишга асосланган янги бошқарув технологияларининг ривожланиши (“билимларни бошқариш”) тизимлари кириб келди. Бу ўринда интеллектуал капитал назариялар ҳам алоҳида ўрин эгаллай бошлади.

XXI asrda shakllangan postindustrial raqamli-axborotlashgan jamiyatning natijasiga bu - birinchi navbatda “intellektual kapital”ning barча soxalarga va tarموqlarga кириб боришидир, кейин эса унинг мамлакат иқтисодий ривожланишининг тахлилий кўрсаткичларида акс этади.

Товар, буюм, техника, технологиялар жамиятнинг иқтисодий муносабатлари ривожланишининг объектив жараёни бўлиб, улар моддий кўринишга эга. Шубҳасиз, моддий кўринишга эга табиий ресурслар аниқ қийматга эга. Аммо, замонавий иқтисодиётда булар билан бир қаторда номоддий хусусиятга эга бўлган ахборот, интеллект, интеллектуал капитал, билим каби тоифалар мавжуд. Бундай тоифалар келажакда жамиятда иқтисодий муносабатларнинг ривожлантиришида муҳим омил сифатида чиқади. Улар билимлар иқтисодиётининг ривожланиши ва такомиллашишига интеллектуал капиталнинг ўрнини белгилаб берди. Интеллектуал капиталнинг «номоддий» моҳиятга эга, уни ҳар томонлама ўрганиш бу ўринда аҳоли иқтисодий фаровонлигини таъминланганлигини баҳолаш билан тенгдир. Бу бўйича А.Стюрт[19], Г.Беккер[20], В.Л.Иноземцев[21] ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ғояларини келтириш мумкин.


XX аср ўрталарида таълим, касбий тайёргарлик, тиббий хизмат, бола туғилиши ва уни вояга етказиш билан боғлиқ категориялар иқтисодиётга киритилиб, инсон капиталини инвестициялаш деб атай бошланди. Билимлар иқтисодиётининг шаклланишига туртки бўлган мазкур йўналиш вакиллари таълим, соғлиқни сақлаш, миграция харажатлари каби инсонга йўналтирилган маблағларда иқтисодиётнинг ўсишига сабабчи бўлиши инobatга олинган.

Ҳар қандай жамиятда билимлар рақобатнинг қарама-қаршилик шартларини, шериклик муносабатларини ривожлантиришда интегратив хусусиятларга эга умумий категория сифатида ишлайди. Иқтисодиёт соҳаларида интеллектуал товарлар бу - доиравий айланишнинг ажралмас қисми, у “билимлар, янгиликлар ва янги технологияларни ташкил этиш, сақлаш ва узатишни амалга ошириш”[22] га хизмат қилади. Билимларни бойиши интеллектуал мулкларнинг ошишига, улардан олинадиган фойданинг салмоқли кўпайиши билан кечмоқда. Инсон билимларини иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги салмоқли ўрнини ошиши аҳоли фаровонлигининг ва иқтисодий тараққиётининг янада тезлашишига қаратилади.

Ўрганишларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, иқтисодиётини постиндустриал босқичнинг юқори поғонаси, рақамли-ахборотlashgan жамият сифатида қараб, уни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида янги омиллар бўлган: ахборот ва билимлар (илм-фан, интеллектуал капитал) қўшилиши оқибатида вужудга келган, деб ҳисоблайди. Бу постиндустриал рақамли-ахборотlashgan жамият иқтисодий ўсишни тезлаштиришга қаратилган илм-фан, таълим ҳамда инновациялардан интенсив ва самарали фойдаланишга асосланади. Умуман, юқоридаги фикр-мулоҳазалар, яъни, билимлар иқтисодиётининг ривожланиши, хусусиятлари ва шарт-шароитларини чизма шаклда қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).

1-расмдан шу нарса аниқ бўлмоқдаки, билимлар иқтисодиёти олдинги иқтисодий тизимлардан тубдан фарқ қилади. Унинг ривожланиши натижасида интеллектуал капитал ўсиши, турли соҳалар интеграциялашуви ва жаҳон иқтисодиётида рақобатлашув даражаси кучаяди. Демак, билимлар иқтисодиёти ўз хусусиятига кўра ресурс ва худуд чекловига дуч келмайди, унга таянган давлат ўзини

иқтисодий такомиллашувига бир поғона қўяди.



1-расм. Билимлар иқтисодиётининг ривожланиши, хусусиятлари ва шарт-шароитлари¹

Ўзбекистонда билимларнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга жалб этилиши ва бозор такрор ишлаб чиқариш механизми фаолиятида мавжудлиги катта ютуғимиздир. Мамлакатимизда шаклланаётган билимлар иқтисодиёти бизнингча, қўйидаги хусусиятларни ўзига тўлиқ қамраб олса давр талабига жавоб бериши мумкин:

- мамлакатдаги корхона(ташкilot)да қўшилган қиймат улуши юқори бўлган товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш технологияларининг кўп бўлиши;
- илмий-тадқиқот ва ишланмалар харажатларининг юқори (50% дан ортиқ) улушининг мавжуд бўлиши;
- мамлакатдаги корхона (ташкilot)ларда технология ва компьютер дизайннинг асосий элементларини патент муҳофазасидан кенг фойдаланилиши;
- юқори riskли лойиҳаларга қўл урган тадбиркорларнинг кўп миқдорда мавжуд бўлишлиги.

Охириги иккита хусусиятнинг комбинацияси "юқори технологиялар" ни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун асос яратилиши билан белгиланади. Шунингдек ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги ўзгаришлар: технологияларни ҳатто оддий

корхонага (жумладан, хизмат соҳаси) кириб бориши, нано, био, микрочип ва виртуал технологиялар, инсонлар эҳтиёжини қондириш учун юқори рискли лойиҳалар қўлланилиши, компания имиджининг компьютер дизайнини шаклланиши, турли мамлакатларда офислари бўлган виртуал фирмалари пайдо бўлиши кабилар билимлар иқтисодиётига ўтишга катта туртки бўлади.

Ахборот технологиялари ҳаётнинг барча жабҳаларига: алоқа, савдо, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, маданият, кўнгилочар, таълим, миллий муҳофаа ва глобал хавфсизликка таъсир қилади. Шу сабабли Ўзбекистон ИТ (information technology) инқилобини амалга оширишдаги эски тўсиқларни йўқ қилмоқда, байналминаллашув даражасини кучайтирмоқда, дунёда янги алоқаларни ўрнатишига ўз кучини сарфламоқда.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига кириб боришининг яна бир узоқ муддатли йўналиши - бу интеллектуал меҳнатнинг экспорт-импорт бозоридаги улушини ошириш, сотиладиган ва сотиб олинadиган товар ва хизматларнинг аксарият қисмида ақлий технологияларни қўллашидир. “Глобал инновацион индекс 2022” маълумотида кўра Ўзбекистонда соф экспортда юқори технологияларни улуши, умумий савдога нисбатан 0,3 %да, АКТ хизматлари экспорти, умумий савдога нисбатан 0,9 %да[23]. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги берган маълумотида кўра 2022 йил 1 январь ҳолатига 27,2 миллион аҳоли интернетдан фойдаланмоқда, халқаро маълумотлар узатиш тармоғининг ўтказувчанлик қобилияти 1800 гигабайт/сек[24] га чиққан. Аммо ривожланган давлатлар билан таққослайдиган бўлсак, экспортда юқори технологияларни улуши ва АКТ хизматлари экспорти кўрсаткичлари 8-10 баробар кам.

Ўзбекистонда АКТ хизматлари экспортини статистик таҳлил қилсак, қуйидаги маълумотлар келиб чиқади (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида АКТ хизматлари экспорти

Номи	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021*
Телекоммуникация хизматлари	152 338,5	141 112,9	143 168,7	150 592,7	156 677,1	151 749,6	156 317,1
Компьютер дастурлаш хизматлари	-	-	-	806,1	701,0	5 798,6	4 638,7
Бошқа компьютер хизматлари	2 563,0	4 504,8	5 623,4	6 229,2	8 044,2	8 313,6	4 479,0
Ахборот агентлиги хизматлари	-	-	-	-	85,3	-	-
Бошқа ахборот хизматлари	1 987,1	1 884,8	1 858,0	2 057,3	1 988,8	3 648,9	10 830,4

Ўзбекистонда АКТ хизматларига талаб катта ўрнатиш, интеграция, ўқитиш ва техник хизмат кўрсатиш харажатларини талаб қилади. Мазкур ИТ тизимдаги корхона ўсиб бораётган талаб бу соҳада хилма-хилликни ва мураккаблигини белгилаб бермоқда.

Шу сабабли, Ўзбекистон, мазкур ИТ (information technology) соҳа бўйича бир қатор ишларни амалга ошириш лозим. Бу муаммоларнинг кўпчилиги ахборот технологиялари ва юқори сифатли кадрлар даражасининг ошиши, интернет тезлигини ошириш ҳамда давлат томонидан ҳуқуқий нуқтаи назардан берилadиган имтиёзлар туфайли эришилади деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон билимлар иқтисодиётини хусусиятларига таянган ҳолда ўзининг инновацион иқтисодиётини такомиллаштиришга қаратиши мумкин. Билимлар иқтисодиёти билим ва инсон капитали ривожланишининг асосий омили, инсон капиталини кўпайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида юқори технологиялар, инновациялар ва сифатли хизматлар билан таъминланган тизим эканлигини таъкидлаймиз.

Билимлар иқтисодиёти инновацион иқтисодиётдан фарқ қилади ҳамда доимо ёнма-ён туради. Биринчиси иккинчисини тўлдиради, агар билим бўлса, у инновацион маҳсулотлар бозорига қўйилиши мумкин бўлган қимматли маҳсулотга айланади. Билим инновацияларни яратиш учун зарур шартдир, аммо у иқтисодиётнинг ушбу турининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳамда доиравий айланишни таъминловчи воситадир. Билимлар иқтисодиётида инновацион ишлаб чиқариш усуллари жорий этиш, инновациялар, технологияларни сотиш ва сотиб олиш узлуксиз кечади.

Юқоридаги хулосалар бўйича қўйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- Ўзбекистонда билимлар иқтисодиётини ривожлантиришда турли соҳалар интеграциялашувини ва фан йўналишларида уларни тадбиғига эътибор бериш лозим;

- юқори рискли лойиҳаларга қўл урган тадбиркорликни ривожлантириш учун давлат субсидияларининг мавжуд бўлиш лозим;

- юқори даромадга эга корхоналарда краудсорсинг хизматларини ташкил этиш лозим;

- ИТ аутсорсинги (қўллаб-қувватлаш учун функцияларни учинчи томонларга ўтказиш ва АТ(ахборот технологиялари) инфратузилмасига техник хизмат кўрсатиш) билимлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ушбу бозорда истиқболли ҳудудлар яратилишини таъминлайди;

- АТ ривожланишининг стратегик йўналишлари орасида булутли технологиялар, катта маълумотлар таҳлили, мобил қурилмалар ва ижтимоий тармоқларни корпоратив муҳитга интеграциялашуви алоҳида ўрин тутаяди. Шу сабабли АТни ривожлантириш, иқтисодиётда сунъий интеллект даражасини кўтариш бўйича истиқболли йўналишлар ишлаб чиқилиши зарур;

- ахборот саноатининг ривожланиши иқтисодиётга фойдали таъсир кўрсатади ва мавжуд ресурсларни самарали исроф қилишга ёрдам беради. Билимлар иқтисодиёти бизнес эгаларига ҳаражатларни мувофиқлаштиришда АТ ўрнини имкон қадар кенгайтириш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги ПФ-165-сон “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони;

2.Lundvall B.A. National Systems of Innovation. Towards the Theory of Innovation and Interactive Learning. L.: Pintor Publications, 1992. p.195;

3.Mensch G. Stalemate in Technology: Innovations Overcome the Depression - New York: Ballinger Publishing Company, 1979. p.14;

4.Портер М. Международная конкуренция. М.: Международные отношения, 1993. – 896-с;

5.Solow Robert M. The last 50 years in growth theory and the next 10. Oxford Review of Economic Policy. Oxford Journals. 23, 2007, p. 3-14;

6. Тоффлер Э. Третья волна. М.: АСТ, 2004. - с. 56; Freeman C. The “National System of Innovation” in historical perspective/ Cambridge Journal of Economics. - 1995. - p.5;
7. Шумпетер Й. Теория экономического развития. - М.: Прогресс, 1982. – 455-с;
8. Смирнов В.Т., Сошников И.В., Романчин В.И., Скоблякова И.В. Человеческий капитал: содержание, виды, оценка и стимулирование. – М.: Машиностроение-1, 2005. <http://plproject.ru/download/plproject01-04.pdf>;
9. Мильнер Б. З. и др. Управление знаниями в корпорациях. -М.: Дело, 2006. -с. 144.; Степанова Т. Е. Закономерности экономики, основанной на знаниях. – Самара: Изд-во Самар, гос. экон. акад., 2005. -с. 35-36;
10. Ченцова М.В. Особенности формирования экономики знаний в современных условиях. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – М., 2008. -с. 26;
11. Шляхтин М.Ю. Структуризация интеллектуального капитала в экономике знаний. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – Ярославль, 2009. -с. 23;
12. Ушанов Д.А. Иерхические и рыночные модели экономики знаний. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – М., 2009. - с.25;
13. Хайрулина Э.И. Информационная составляющая экономики знаний. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – Казань, 2007. -с.23;
14. Муртазин А.С. Институциональные основы формирования экономики знаний в России. Автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата экономических наук. – Пенза, 2015. -с. 23;
15. Хасанхонова Н. Ўзбекистонда билимлар иқтисодиёти ривожланишининг шарт-шароитлари. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. 6/2020 (№ 00050). 2020 yil. 106-б.;
16. Худойбердиев З. Инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида меҳнат бозорининг амал қилиш механизмини такомиллаштириш. // Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) олиш учун диссертация автореферати. Т.: 2020. 80-б.;
17. Шадиёва Д. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. // Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: 2020. 58-б.;
18. Абдурахмонов К.Х., Бабынина Л.С., Одегов Ю.Г. Управление человеческими ресурсами организации. Т.; Фан. 2020. - 252 с.;
19. Стюарт Томас А. Интеллектуальный капитал. Новый источник богатства организаций. // Пер. с англ. В. Поздриной. – М.: Поколение, 2007. С. 368.; Steward T.A. Intellectual Capital. The New Wealth of Organizations. - New York: Currency Doubleday, 1997.;
20. Беккер Г. С. Экономический анализ и человеческое поведение // THESIS. — 1993. Т. 1, вып. 1. С. 38 (англ. Economic Analysis and Human Behavior, 1987);
21. Иноземцев В.Л. За пределами экономического общества. – М.: Academia– Наука, 1998. - с. 23.;
22. Meatalcfe S. The economic Foundations of Technology Policy^ Equilibrium and Evolutionary Perspectives. In: Stoneman P. (ed). Handbook of the Economics of Innovations and Technical Change. London, Blackwell, 1995. –p.9.;
23. The Global Innovation Index 2022: What is the future of innovation-driven growth? 2022.- P. 221. https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2021.pdf;
24. <https://www.mitc.uz/uz/> Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги сайти маълумотлари асосида.